



№ 4

Ижобий аудиторлик хулосаси

“Вихоро Рахта” АЖ (адресат) реквизитлари:

Бухоро вилояти, Галя-Осиё шаҳри, Тошмажит кишлоғи; СТИР-201266747; ХХТУТ-17111; Пахта тозалаш сапоати; х/р:20210000604005506001; АКБ Агробанк; МФО-00089. Тел: 0365-542-49-06.

Кириш қисми

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш. Юнусобод т., А.Темур 1-тор кўчаси 2-у; Tel: 236-11-60 факс 236-24-32; Адлия Вазирлигининг 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувоҳномаси; Молия Вазирлигининг 29.02.2008 йилдаги 00124-сонли лицензияси; АТИБ Ипотекабанк Меҳнат бўлими х/р 20208000503945832001; МФО 00423; СТИР 202629997; ХХТУТ 84400 “Аудиторлик фаолияти”.

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмаилов Адилбек Матчанович.

“Вихоро Рахта” АЖ нинг 2015 йил 1 январдан 2015 йил 31 декабргача давр молиявий ҳисоботлари 11.01.2016 йилдаги 4-шартнома асосида аудит текширувидан ўтказилди.

Аудитга “Бухгалтерия баланси”-1-шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”-2-шакл, “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”-4-шакл, “Ўз сармоеси тўғрисидаги ҳисобот”-5-шакл; Изохлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобот, ҳисоб-китоблар ва маълумотномалар, журнал-ордер, ҳужжатлар ва банк кўчирмалари тақдим этилди.

“Вихоро Рахта” АЖ нинг раҳбарияти аудиторлик текширувдан ўтказиладиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққоний бўлиши учун жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг “Вихоро Рахта” АЖ нинг молиявий ҳисоботига мувофиқ бўлиши учун жавобгар.

Қайд этиш қисми

Биз аудиторлик текширувини АФМА га мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини таъкидлади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийлигини ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-ҳўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифodalаш учун етарлича асос беради деб ҳисоблаймиз.

Яқуний қисми

Бизнинг фикримизча, ҳўжалик юритувчи субъект “Вихоро Рахта” АЖ нинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний асос этиради ва мазкур ҳўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ҳўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

«Osio-Audit» аудиторлик
ташкilotи директори, аудитор

2016 йил “16” март



А.Исмаилов